



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz


2007 йил 28 апрель, № 83 (4236)

Шанба

## ҲАМКОРЛИК СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК АСОСИДА РИВОЖЛАНМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 27 апрель куни Оқсаройда Япониянинг иқтисодий, савдо ва саноат вазирлиги Акира Амарини қабул қилди.



оллаштириш мақсадида "Ипак йўли дипломатияси" ва "Марказий Осиё + Япония" мулоқот механизми шаклланди.

Мазкур мулоқот доирасида 2006 йилнинг июль ойида Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида Ҳаракат дастури ҳамда Техникавий ҳамкорлик битими имзоланди.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония-Ўзбекистон ва Япония-Ўзбекистон қўмитаси раиси Ислам Каримов ва Япония-Ўзбекистон қўмитаси раиси Ислам Каримовнинг ўзaro мулоқоти бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Япония ўртасида ташқи савдо мақомларидаги муносабатларни янада кучайтиришга хизмат қилади. Япония-Ўзбекистон қўмитаси раиси Ислам Каримовнинг ўзaro мулоқоти бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари меконимизга таъриф билан қўллар экан, Ўзбекистон Японияни ишончли ва яқин ҳамкор мамлакат сифатида билишини, ўзаро алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланаётганини таъкидлади.

Сизнинг раҳбарлигингизда Япония ҳукумати аъзолари ва йирик корпорациялар вакилларидан иборат делегациянинг мамлакатимизга ташрифи ҳамда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш жараёнида муҳим босқич сифатида қараймиз, — деди Ислам Каримов. — Муқтадлик йилларида қарор топган ва изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон-Япония муносабатларини юксак қадрлаймиз. Ўзбекистонда Япония билан ҳамкорликда стратегик аҳамиятга эга бўлиб ўтди. Унда "Нодавлат но-

Ўтган йили Японияда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" фонднинг ваколатхонаси очилган. Япония сармояси иштирокида мамлакатимизда ўндан ортик йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Масалан, Тошгузар-Бойсун-Кумўрғон темир йўлини барпо этиш лойиҳаси учун Япония ҳукумати 150 миллион АҚШ доллари миқдоридан ташқари кредит ажратган. Самарқанддаги автомобиль заводига "Исузу" русулли автобус ва юк ташуви машиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани қўшма лойиҳаларнинг муваффақиятига яна бир ёрқин мисолдир. Умуман, ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейинги даврда Япониянинг Ўзбекистонга қиритган сармояси ҳажми салкам 2 миллиард АҚШ долларига етди.

Гуманитар ҳамкорлик борасида айниқса илм-фан ва таълим соҳасидаги алоқалар изчил ривожланаётганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистонлик саккиз юздан зиёд мутахассис JICA йўналиши бўйича Японияда малака оширди.

(Ў.А.)  
Абдувоҳид Тўраев  
олган суратлар.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 62 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ноғиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ноғиронларига 50 000 (эллик минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

Бадий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2007 йил 27 апрель

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айрим моддаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 27 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

амал қилиши 2013 йил 1 январгача тўхтатиб турилсин.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги 660-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси

қаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 160-модда) 9, 13, 14, 15 ва 16-моддаларининг

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
И. КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2007 йил 27 апрель  
№ УРҚ — 94

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 27 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги 158-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 1-2, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 12, 413, 418-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 6-модданинг олтинчи хатбоши «Хисобот» деган сўздан кейин «Белгиланган тартибда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

2) 26-модданинг учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қўлида Давлат бюджетни тайёрлаш, уни жорий йилнинг ўн бешинчи сентябргача Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасига юбориш ҳамда Давлат бюджетни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг тегишли хулосаси билан бирга жорий йилнинг биринчи октябргача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади»;

Ўн биринчи ва ўн иккинчи қисмлари тегишича ўн учинчи ва ўн тўртинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

3) 27-модданинг учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси ёки унинг

топиригига қўра» деган сўзлар қичқириб ташлансин;

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
И. КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2007 йил 27 апрель  
№ УРҚ — 95

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН ҚАДРЛИ

Кеча қуйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Нодавлат но-

тижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Навой виллоятдаги ижроси муҳокама қилинди.

Қўмита раиси А.Саидов бошқарган мажлисда виллоятда мазкур қонун ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Бугунги кунда Навой виллояти адлия бошқармаси томонидан жами 169 та но-

давлат нотижорат ташкилоти рўйхатга олинган. Шунингдек, виллоятда халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бешта филиали ҳам фаолият юритмоқда.


Бу ташкилотлар давлат органлари, корхона ҳамда муассасалар билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Айниқса, бу алоқа ижтимоий қўмақ, таълим, маданият ва спорт ишларини ривожлантиришга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### ФАРЗАНДЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида Олий Мажлис Сенати Ташқи савдо мақомлари қўмитасининг «Ноғирон ва етим болаларни жисмоний тарбиялаш ҳамда соғломлаштириш соҳасида халқаро ҳамкорлик» мавзусидаги сайёр конференцияси бўлиб ўтди.



Анжуман

нинг амалдаги ижроси, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Ноғирон болалар билан ишлаш борасида маҳаллалар, жамғармалар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлигига эътибор қаратилди.

### ДУНЁ НИГОҲИ

Парижда «Славян консерваторияси»да Александр Глазунов номидаги ёш скрипкачи ва виолончелистларнинг халқаро танлови ўз ишчи якунланди.

Унда жаҳоннинг тўққиз мамлакатидан келган ёш соҳибдорлар иштирок этди. Танловда ўзбекистонлик беш нафар ижрочи — Успенский ва Глиер номидаги мусика мактаблари ўқувчилари қатнашдилар.

### Беш иштирокчига — беш соврин!

Танлов якунига қўра мамлакатимизнинг барча вакиллари совриндорлар қаторидан жой олди. Жумладан, Успенский номидаги мусика мактаби тарбияланувчилари Жамшид Саидқаримов (виолончель) ва Нилуфар Муҳиддинова (скрипка) олий дипломга лойиқ, деб топилди. Глиер номидаги мактаб ўқувчилари Бобур Маҳмадов (скрипка) ва Малика Анорматова (виолончель) биринчи даражали диплом билан тақдирланди. Глиер мактабининг яна бир иштирокчиси вакили Дониёр Қодиржонов (скрипка) иккинчи даражали дипломга сазовор бўлди.

Ғайрат ШУКУРОВ, «Жаҳон» АА Париж

### Урганчда янги хиёбон

Кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётган Урганч шаҳри марказий майдонда эндиликда катта хиёбон — бог ташкил этилган.

Богга кирaverишда иккита маҳобатли дарвоза бунёд этилди. Уртада улғу аллома Муҳаммад ал Хоразмийнинг ҳайкали қад ростлабди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Абдураул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Президентимизнинг 2007 йил 23 январдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ишларининг боришини ўрганиш ва бу борадаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари буйича ишчи гуруҳини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши аҳоли саломатлигини муҳофазат қилиш бўйича ҳамўзликнинг яна бир ифодасидир. Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасидаги вазифаларни, ҳудудий талаб ва эҳтиёжлар, мавжуд имкониятларни инобатга олган ҳолда тизимнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси мустаҳкамланди ва бирмунча такомиллаштирилди.

Соғлиқни сақлаш:

ИМКОНияТЛАР УФҚИ КЕНГАЯДИ

Хозирги кунда бу соҳадаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та Фармони, 12 та қонун, Вази́рлар Маъжмасынинг бир қанча қарорлари билан тартибга солинган. Айни пайтда ана шу ҳужжатлар асосида тизимда ислохотлар давом этмоқда. Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда маъқулланган "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасида тизимдаги айни шу долзарб муносабатларнинг айримларини тартибга солиш кўзда тутилган. Жумладан, "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунга ҳамда Вази́рлар Маъжмасынинг 2005 йил 28 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 217-сонли қарорига мувофиқ, айни пайтда жойларда бирламчи тиббий-санитария ёрдами молиялаштириш маҳаллий бошқарув органлари томонидан амалга оширилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги пуллик тиббий хизматларга тарифларни фақат давлат тасарруфидида даволаш-профилактика муассасаларида бошқарилади. Лекин тизимнинг хусусий секторида ҳам молиялаштиришнинг аниқ манбалари ва механизмлари белгилаб беришга эҳтиёж сезилаётди. Амалдаги "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига соғлиқни сақлашнинг хусусий секторидаги қаралган ҳуқуқий меъёрларни тартибга солиш лозимлигини аниқлади. Хуқуқий демократик жамият қуриш йўлини танлаган эканмиз, бошқа тизимлардаги каби, соғлиқни сақлаш тизимиде ҳам хусусий фаолият юритиш истигади бўлганлар учун хозирги кунда яратиб берилаётган имконият

жисмоний шахсга индивидуал тиббий фаолият учун лицензиялар берилган. Ушбу ҳолат, бугунги кунда тиббий

профилактика муассасаларида тиббийнинг давлат тизими муассасаларидаги каби шаклда тиббий ҳужжатлари

ларнинг юритилиши, маълумотларнинг аниқ бўлиши бемор учун ҳам, шифокор учун ҳам жуда муҳим: яъни, шифокор томонидан тиббий ҳужжатларнинг юритилиши беморларнинг юқори малакали тиббий ёрдам олишини

ишончли профилактика чораларини қўриш ва даволашда кўл келади. Замонавий тиббётнинг асосий шартларидан бири бўлиши амалиётнинг илм-фан билан бирлигини, пировардиде, юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш кафолатини беради.

Амалдаги қонунга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда доимий яшайдиган, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг тўлақонли тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлишини таъминлаш мақсадида ҳам тегишли ўзгартиш киритилмоқда.

Шу билан бирга бугунги кунда беморга етказган зарари учун шифокорнинг фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлиги, беморнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тиббётнинг хусусий секторида амалга оширилмаган тиббий фаолият ҳақи ва қўлама, алоҳида турдаги тиббий муолажаларни амалга ошириш каби масалаларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга ҳам эҳтиёж бор.

Қонунлар жамиятни бошқариш. Шу тўғрисида уларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ниҳоятда аҳамиятlidir. Агар яратилаётган қонун бевосита жамият аъзоларининг соғлиғи ва ҳаётига, умрига дахлдор бўлса, унинг масъулияти янада ортади.

Зухра БОТИРОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутаты.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Йўл раvon — манзил яқин

Сўнгги йилларда Навоий вилоятида йўл қуриш ва таъмирлаш ишларига эътибор тубдан ўзгарди. Қизилтепа туманида жойлашган Магистрал йўллардан фойдаланиш бошқармаси Самарқанд ва Бухоро вилоятларини боғловчи 67 километрлик халқаро автотрассага хизмат кўрсатади.

Йўлларнинг текис ва раvon бўлиши иш сифатида боғлиқ, — дейди бошқарма бошлиғи Бўрон Абдуллаев. — Айни пайтда корхонамиз тасарруфда учта асфальт заводи, самосваллар ва тракторлар, автогрейдерлар ҳамда асфальт ётқизиш техника воситалари бўлиб, улардан умумий фойдаланилган. Шу йилнинг биринчи чорагида Самарқанд вилояти билан чегарадош ҳудудда беш километр масофада капитал ва тўрт километрлик йўлда жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

Ижтимоий ҳимоя йилида кам таъминланган, ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, бошқармада ишлаб нафақага чиққан 30 нафар қариға, шунингдек, кам таъминланган беш оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Полvonлар Қаршида беллашмоқда

Қарши шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони мусобақалари бошланди.

Мазкур мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 200 нафардан зиёд спортчи иштирок этмоқда. Беллашувлар эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида, еттига вазн тоифасида ўтказилаётди. Чемпионатнинг очилишида сўзга чиққанлар мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилгани, бунинг натижаси ўларок, Ўзбек йигит-қизлари халқаро мусобақаларда юртимиз шарофтини муносиб ҳимоя қилаётгани, Ўзбек курашининг довуғи тобора ортиб бораётгани хусусида тўхтадилар. Мустақиллик йилларида

"Истиқбол" — танлов ғолиби

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган "Сиз қонунни биласизми?" республика кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичи якунланди.

Танлов ҳуқуқий таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш, жамиятда қонун устуворлигига эришиш ва амалдаги қонунлар моҳиятини ёш авлодга кенг тушунтириш, уларда мамлакатимиз Конституциясига ҳурмат туйғусини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилмоқда. Ушбу тадбирда элликдан зиёд касб-хўнар коллежлари ўртасидаги минтақавий гуруҳ босқичларида юқори натижани қўлга киритган олимпиада жамоа иштирок этди.

Иқтидорлилар эътиборда

Ўрта махсус, касб-хўнар таълими қошидаги "Меҳр ва муруват фондининг Жиззах вилояти бўлими ахвойиб ташаббус бошлади.

Касб-хўнар коллежлари, академик лицейларда тахсил олаётган, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда ногирон ўқувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 112 нафар иқтидорли болага стипендия белгиланди.



Наманган вилоятидаги "Аҳмадхон ҳожи Қосоний" қишлоқ ҳўжалиги корхонаси аҳолини сифатли гўшт, сўт, тухум ва товۇқ гўшти билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган эди.

Айтиш жоизки, жамоа аҳли ўз олдига қўйган вазифаларни уздамоқда. Мисол учун, бу ёрда парваршиланаётган 7000 бош товۇқдан 250 000 дона тухум олишга эришилди.

Корхона раҳбари Анваржон Абдуллаевнинг айтишича, хозирда ҳўжалар сонини 35-40 мингга қўпайтириш ҳамда тухум еттиштириш микдорини 1,5 миллион донегача етказиш чора-тадбирлари қўрилмоқда.

СўРАТДА: ветеринар шифокор Зокиржон Мама-сиддиқов ишчи Гулнеҳра Кенжаева билан махсуслот сифатини кўздан кечиришмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

"Халқ сўзи" ва ЎЗА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН ҚАДРЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тиришда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Масалан, Навоий шаҳар ногиронлар жамияти, "УМР", "Ариадна", "Хумо" каби нодавлат ноижорат ташкилотлари ногирон болаларнинг ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг жамиятда ўз ўринларига эга бўлиши учун зарур шароитларни яратиб беришга катта ҳисса қўймоқда. Айниқса, Ижтимоий ҳимоя йилида бу ишлар қўлама янада кенгайди.

Шу билан бирга, қонун ижросини таъминлашда вилоятда айрим камчиликларга йўл қўйилгани ҳам айтиб ўтилди. Уларни бартараф этиш, маҳаллий давлат органлари билан нодавлат ноижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни кўчатириш, адлия ва солиқ органлари томонидан амалдаги қонунлар нормаларини тарғиб қилиш ишларини кўнгилдагидек йўлга қўйиш юзасидан тавсиялар берилди.

Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитасининг навбатдаги мажлисида "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуннинг Самарқанд вилоятидаги ижроси кўриб чиқилди. Уни кўмита раиси Т.Қаримов бошқарди.

Гидротехника иншоотлари мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Уларда юз бериши мумкин бўлган авариялар оқибатида эса йирик иқтисодий ва экологик талафотлар келиб чиқиши мумкин. Шу боис ҳам юқорида номли қайд этилган қонуннинг аҳамияти ва унда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидланганидек, Самарқандда бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, қонун ва ҳўкумат қарорларининг ижросини таъминлаш юзасидан вилоят ҳокимининг қарорлари қабул қилиниб, уларнинг бажарилиши назоратга олинган. Вилоят ҳокимлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари шу ҳудудда жойлашган гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари доирасида мазкур иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, уларни реконструкция қилиш борасида қатор ишларни олиб бормоқдалар.

Йиғилишда ушбу масалага алоқадор вазирлик ва идораларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди, жойларда қонуннинг бажарилиши бўйича аниқ режалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлиги тўғрисида тегишли қарор қабул қилинди.

Шу кунги кўйи палатанинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитасида "Миллий қонун ҳужжатларининг Ўзбекистон томонидан имзоланган ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномаларнинг ҳуқуқий нормаларига мувофиқлиги масалалари" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Мазлумки, давлатларнинг ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳамкорлиги фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадини кўзлайди. Ушбу тасоғу 1993 йилда қабул қилинган "Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва муносабатлар тўғрисидаги Конвенция"си(Минск)да белгилаб қўйилган. Шу билан бир қаторда мамлакатимиз Адлия вазирлиги томонидан Озарбойжон, Беларус, Грузия, Россия Федерацияси, Козогистон, Молдова, Украина давлатлари билан икки томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар тузилган. Мазкур ҳужжатлар давлатлар ўртасидаги самарали ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жараёнининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Семинарда қайд этиб ўтилганидек, Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси билан МДҲга аъзо мамлакатлар ўртасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларнинг бажарилиши бўйича тузилган тажриба ушбу соҳа билан боғлиқ қонунларга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этмоқда. Тадбирда 2002 йилда қабул қилинган Кишинёв Конвенциясини имзолаш ва ратификация қилиш ҳамда шундан келиб чиққан ҳолда жиноят процессуал ва фуқаролик процессуал кодексларига ҳуқуқий ёрдам билан боғлиқ қўшимча норматив меъёрларни киритиш тўғрисидаги фикрлар билдирилди.

Ш. ОРТИҚОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Банклар муруввати

Жорий йилнинг биринчи чорагида Эллиққалъа туманидаги Дўстлик қишлоғида 5 нафар, Амиробод қишлоғида 8 нафар, "Тозабоб" қишлоғида 6 нафар, "Гулдурсун" қишлоғида 7 нафар, "Қирққиз" қишлоғида 8 нафар, жами 86 нафар кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бепул қорамол берилди. Халқ

Я. ҚўҚОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.



ЁҒОЧДАГИ ЖОЗИБА

Касбилик ўймакор уста Зубайдулла Сатторовни туманда кўпчилик яхши танийди. У бир неча йилларда буюн ўзи ясаган ёғоч ўймакорлиги махсуслотлари билан қатор вилоят ва республика кўргазмаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Зубайдулла Сатторов ўзи истиқомат қилаётган "Мезит" маҳалла фуқаролар йиғини фаолларидан. Мана, неча йиллардирки, маҳалла ёшларига ўз ҳўнари сирларини ўргатиб келаяпти. Айни пайтда унинг беш нафар шогирди мустақил фаолият кўрсатаяпти.

СУРАТДА: ўймакор уста З.Сатторов иш устида.

Ш.ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.

ЕВРООСИЁ ТРАНСПОРТ ҲАМЖАМИЯТИНИНГ АНЖУМАНИ

Тошкентда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Интеграция кўмитаси ҳузуридаги Транспорт сисъати бўйича кенгаш мажлиси бўлиб ўтди. Унда ҳамжамиятга аъзо мамлакатлар транспорт вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари, шунингдек, МДҲнинг Халқаро автомобиль транспорти иттифоқи ва МДҲ йўлсозларининг ҳўкуматлараро кенгаши ҳамда ЕврАзЭСга аъзо давлатлар халқаро автомобиль ташувчиларининг миллий уюшмаларидан вакиллар иштирок этди.

омилларни бартараф этиш, ЕврАзЭС давлатларининг умумий транзит салоҳиятини аниқлаш масалалари муҳокама қилинди. Транспорт соҳасидаги ҳамкорликка оид устувор аҳамиятга молик муайян дастур ва лойиҳалар, ҳамжамият доирасида логистика марказларини жойлаштириш юзасидан фикр-мулохазалар билдирилди. Кенгашнинг аввалги учрашувларида қабул қилинган қарорлар ҳисобига оид масала кўриб чиқилди.

ЕврАзЭС мамлакатлари ўртасида темир йўл тарифлари соҳасида ўзаро келишилган сисъат юритиш сармоя, товарлар ва хизматлар оқимини кўчатиришга хизмат қилади. Шу маънода, мажлисда ҳамжамият Давлатлараро кенгаши томонидан қабул қилинган темир йўл тарифларини шакллантириш ва таъбиқ этишнинг умумий тамойиллари тўғрисидаги қарорни ижро этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилгани эътиборга моликдир. Катнашчилар аъзо мамлакатлар ўртасида транзит ва тўғридан-тўғри юк ташувида қўлланиладиган тарифларнинг коэффицентлари ва ставкаларини камайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Европа билан Осиё ўртасида юк ташуш ҳўжми ортаётгани ЕврАзЭС мамлакатлари транзит-транспорт салоҳиятидан умумий фойдаланиш, ушбу минтақадаги транспорт магистралларига қўшимча юк ташуш хизматларини жалб қилишни тақозо этмоқда. Юқарни тран-

зит қилиш учун қўшимча қўлайликлар яратиш зарур. Шу боис мажлисда ЕврАзЭС мамлакатларидаги автомобиль ва темир йўлларнинг техник тавсифлари қайта кўриб чиқилди, транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган давлатлараро дастурни ишлаб чиқиш бўйича фикр-мулохазалар билдирилди.

Транспорт коммуникацияларини ривожлантиришга сармоя жалб қилиш, йўловчи ва юк ташуш бўйича муайян йўналишларда хизмат кўрсатадиган қўшма корхоналар тузиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантириш, оқларнинг мультимодал (аралаш) ташулишини тартибга солувиш меъёрий-ҳуқуқий ҳўжатларни ишлаб чиқиш бўйича тахлиф-тавсиялар тайёрлаш, транспорт йўлакларини шакллантириш ва ривожлантириш борасида ҳамжамиятга аъзо мамлакатларнинг ўзаро келишилган сисъатини ишлаб чиқиш масалалари ҳам мажлис катнашчиларининг диққат марказида бўлди.


Шу билан бирга, транспортда хавфсизлик чоралари белгиланган халқаро ҳуқуқий ҳўжатларни жорий этиш, шунингдек, ЕврАзЭС доирасида қабул қилинган транспортнинг алоҳида олинган турларида хавфсизликни таъминлаш, ташулаётган юкларни бул сақлаш, аэро-муҳитни муҳофазат қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

(ЎЗА).

Яхши хабарлар

«Алоқабанк» алоқани мустақкамламоқда

Мамлакатимиз банкларининг хориж молия муассасалари билан ҳамкорлиги йил сайин кенгайтирилмоқда.



Бунга кун кеча Хитой тарафидан банк ва Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» ўртасида имзоланган кредит шартномасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мазкур шартномага биноан ажратилган 8 миллион АҚШ долларидек кредит маблағлари «Ўзтелеком» акциядорлик компаниясининг телекоммуникация ускуналарини лизинг асосида етказиб бериш лойиҳасини молиялаштиришга йўналтирилган.

Ахрор АЮПОВ.

Марғилонда меҳмон бўлинг

Марғилон шаҳрида икки қаватли, замонавий меҳмонхона қурилиши ниҳоясига етай деб қолди.



Уни Олтириқ туманидаги 1-кўча механика зачирилган саф масъулияти чекланган жамияти курувчилари бунёд этишмоқда.

Замонавий усулда бунёд этилган мазкур меҳмонхонада қаҳвахона, тўйхона, банк шохбаси, озиқ-овқат дўкони ҳамда стоматология кабинети ҳам бўлади. Курувчилар шу кунларда бинони пардозлаш, атрофини ободонлаштириш, кўчалар зорлаштириш билан банд. Меҳмонхона шарафига 2000 йиллик юбилей арафасида ишга туширилди.

Мухаммадjon МАХМУДОВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотида номзодлар

Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари Кенгаши томонидан 2007 йилда бериладиган Давлат мукофотлари танловига қўйилган ишлар рўйхатида академик М.Саломовнинг «Математик физика тенгламалари» дарслигининг ҳам борлиги фан ходимлари, айниқса, соҳа мутахассисларини гоят қувонтирди.

чоп этилган «Математик физика тенгламалари» дарслиги ана шу мезонга тўла мос келади.

Математик физика масалаларининг доираси ниҳоятда кенг бўлиб, улар турли физик, механик, техник,

махсус функцияларга оид маълумотлар ҳам тўлиқ келтирилган. Дарслик университетларнинг бакалавр таълим йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабалар, магистрлар, аспирантлар ҳамда илмий текшириш институтларининг дифференциал тенгламалар соҳаси бўйича илмий-тадқиқот ишлари

АМАЛИЁТГА ТАЯНГАН НАЗАРИЯ

Маълумки, республикада олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим қисми таълим тизимини ислох қилиш бўлиб, бу борада Юрбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида» Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мустақил давлатимизнинг нафақат бугунги, балки келажакни кўзда тутган ҳамда белгилаб берган муҳим ҳужжатлар ҳисобланади.

Таълим тизимида кадрлар тайёрлашга бўлган талаблар ортиб бормоқда, юқори малакали, рақобатбардош ва баркамол мутахассисларни

тайёрлаш, ёш авлодни умуминсоний ва миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш, замон талабларига мос билimler бериш имконини яратадиган ҳамда таълим стандартларига монанд дарсликларни яратмоқ бугуннинг талабидир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек «... таълим дарсликдан бошланади...» ва «... ҳар бир дарсликни ўша фаннинг атоқли вақиллари ёзишлари керак».

Академик М.Саломовнинг томонидан тайёрлаган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тавсиясига биноан «Ўзбекистон» нашриётида

биологик ва бошқа жараёнларни ўрганиш билан узвий боғлиқ. Дарсликда «Математик физика тенгламалари»нинг эллиптик, гиперболлик ва параболлик ҳамда амалий масалаларни ечишда кўп қўлланиладиган аралаш тенгламалар назарияси баён этилган. Бундан ташқари, мавзулар изчил ва методик жиҳатдан яхлит, бўлишини таъминлаш мақсадида ёрдамчи маълумотлар, жумладан, чизиқли интеграл тенгламалар, каср тартибли интеграл-дифференциал операторлар ва

олиб бораётган илмий ходимлар ва ёш тадқиқотчиларга мўлжалланган. Мутахассислар муаллифининг ўзбек тилида ёзилган «Комплекс ўзгарувчининг функциялари назарияси» (1970 йил) ва «Оддий дифференциал тенгламалар» (1982 йил) дарсликларини ҳамда монографияларини ҳам юқори баҳолайдилар. Интеграл тенгламалар» дарслиги эса чоп этилиши арафасида.

Б. ИСЛОМОВ, А. ХАЙДАРОВ, А. УРИНОВ, профессорлар.



2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Йилнинг Юрбошимиз томонидан мамлакатимизда Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши бу борада ишларни кенг қўламда олиб бориш учун ўзига хос йўлланма вазифасини ўтамоқда.

Жумладан, байрамлар арафасида тармоқ корхона ва ташкилотларини жалб қилган ҳолда 578 та кам

мазмун дам олиш учун ўқувчилар театрларга, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида сув спорти саройларига олиб борилди.

Сўхбатдошимизнинг таъкидлашича, касабга уюшмаси томонидан ажратилган имтиёзли йўлланмалар рағбат ўрнини ҳам босмоқда. Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида 46 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари шундай йўлланмалардан баҳраманд бўлишди.

Кўпинча шаҳар тармоқ касабга уюшмаси тизимидаги корхона, ташкилотлардан ёки касабга уюшмаси аъзоларидан ёрдам, масалаҳат сўраб мурожаатлар бўлиб туради. Ана шу мурожаатларнинг ҳар бири алоҳида эътиборга олинади. Бундан ташқари, туманлар миқёсида меҳнат хавфсизлиги ва бошқа масалалар бўйича семинарлар ўтказиб туриш ҳам аъёнага айланган.

— Умуман олганда, йил охирига тармоқ ходимлари ва уларнинг оила аъзоларидан 800 нафардан ортигини санаторий-профилакторий, дам олиш уйларида, фарзандларидан эса 1000 нафарини соғломлаштириш оромигоҳларида дам олишини режалаштиришга, — дейди З. Худойбердиев. — Бу, жамоаларда ишга бўлган муносабатнинг янада яхшиланишига, меҳнат унвондорлигининг ошишига хизмат қилса, ажаб эмас. Шундангина биз ҳам ўз олдимизга қўйган мақсадга эришган бўламиз.

Шавкат ОРТИҚОВ.

Бензин идишидаги заққум

Сурхондарё вилоятидаги «Айритом» божхона комплекси ходимлари «Термиз — Тошкент» йўналиши бўйича ҳаракатланаётган фуқаро Юсуп Аллабердиев бошқарувидаги «Нексиа» русумли автоуловни тўхтатишди. Машина хизмат ити ёрдамида божхона кўригидан ўтказилди. Натيجида ушбу шахс автоулов ёнига бағига 15 донна елим идишга қадоклашиб, хуфёна тарзда беркирилган, вазни 10 кг. дан ортиқ «гашиш» гиёҳванд моддасини сотиш мақсадида

Тошкент шаҳрига олиб кетаётганлиги маълум бўлди. Хозирда ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Божхона

Зар ҳам, зўр ҳам ўтмади

Яқинда Тошкент вилоятидаги «Фишқўриқ» божхона комплекси ходимлари яна бир қонунбузарлик ҳолатининг гувоҳи бўлишди. Арманистон Республикаси фуқароси Гроция Багдасарян бошқарувидаги «ВАЗ — 2107» русумли автомашина тўхтатиб текширилди. Ушбу шахс божхона баённомасида кўрсатилмаган, қиймати 10 млн. сўмини ташкил этувчи 300 граммга яқин қимматбахо зарғарлик буюмларини автомашина салоғига яшириб, юртимизга ноқонуний равишда олиб киришга уринган экан.

Аммо унинг бу уриниши хушёр божхоначилар томонидан чиппақка чиқарилди.

Н. САЛОМОВ.

ЖАХОН 24 соат ичида

Номзодлар баҳси

2008 йилда АҚШ президентилик учун бўлиб ўтадиган сайловларда Демократлар партиясидан қўйилган 8 нафар номзод Жанубий Каролина университетда биринчи бор теледебат уюштирилди. Таҳлилчиларнинг фикрига кўра, баҳс-мунозараларда сенатор Хиллари Клинтон ва Барак Обаманинг қўли биров банд келган. Номзодларнинг барчаси Яқин Шарқ масала



ласида берилган саволларга бир хил жавоб қайтаришди, яъни улар Ироқдан мамлакат ҳарбийларини тезроқ олиб чиқиб кетиш лозим, деган фикр билдирдилар.

Ҳужжат

тасдиқланди, бироқ...

Латвия Сейми узок баҳс-мунозаралардан кейин биринчи ўқишда Россия ва Латвия ўртасидаги чегара юзасидан эришилган келишувни ратификация қилувчи қонун лойиҳасини тасдиқлади. Ушбу ҳужжат 27 март кун Москвада имзоланган. Баъзи сиёсий қушлар ушбу қонун лойиҳасини ратификация қилишга қаршилик билдирдилар. Уларнинг назарида имзоланган келишув Латвия манфаатларига зиддир. Бир пайтнинг ўзида мамлакат конституцион суди ҳам ушбу келишувнинг Латвия конституциясига мувофиқ келиш-келмаслигини ўрганишга киришди.

Хитой яна биринчи

Хитой Япониянинг савдо-сотикда биринчи ҳамкорига айланди. Иккинчи жаҳон уруши давридан буён биринчилики АҚШ қўлдан бермай келаятган. Хитой ва Япония ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2006 йилнинг мартидан шу йилнинг мартига қадар 215 миллиард долларни ташкил қилган. Япониянинг қўллаб қўллаб компаниялари Хитойда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳаракат қилмоқда. Сабаби бу мамлакатда ишчи кучи кўп ва арзон. Япония ҳукумати Хитой билан савдо-сотикни янада ривожлантиришга катта умид боғлаётди.

Райснинг чақирғи

Америка Қўшма Штатлари Эрон билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишга тайёр, лекин бунинг учун расмий Техрон мамлакатда уранны бойитиш мақсадида олиб борилаётган ҳаракатларини тўхтатиши лозим. Бу ҳақда АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райс журналистларга маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, агар Техрон бунга рози бўлса, Жорж Буш икки мамлакат ўртасидаги 27 йиллик совуқ муносабатларни чеккага суриб қўйиб, юзма-юз Эроннинг ядровий дастурини муҳокама қилишга тайёр.

Солиқларни оширмоқчи

Европа Иттифоқи Жаҳон савдо ташкилоти доирасида АҚШ махсуслотларига қарши янги чоралар жорий қилди. Шу йилнинг 1 майдан эътиборан 32 турдаги Америка махсуслотларига нисбатан божхона солиқлари оширилди. ЖСТ экспертларининг фикрича, АҚШ бозори халқаро рақобат талабларига жавоб бермайди. АҚШ ҳукумати мамлакатдаги хорижий компанияларни сиқиб чиқариш учун маҳаллий фирма ва корпорацияларга йилга 380 миллион доллар миқдорда компенсация тўламоқда.

Уй қулаб тушди

Истамбулда саккиз қаватли уй қулаб тушди. Туркия телевидениеси хабарида айтилишича, вайроналар орасида одамлар ҳам қолиб кетган бўлиши мумкин. Воқеа жойида айни пайтда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилапти. Хозирча хабр қўрганлар ҳақида бирор маълумот йўқ. Шаҳар мэри Муаммер Гюлернинг баёнотида, уйнинг сабабидан қулаб тушгани мутахассислар томонидан ўрганилапти.

Мақсад — атом энергиясидан фойдаланиш

Араб давлатлари атом энергетикасини ривожлантириш юзасидан ҳамкорлик қўшма комиссия тузишди. Мазкур комиссия атом энергиясидан тинч мақсадлар йўлида фойдаланиш юзасидан дастур ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Араб давлатлари лигаси бош котиби Амр Мусанинг қайд этишича, комиссия 2020 йилгача амалга ошириладиган дастури ишлаб чиқадди. Амр Муса дастури амалга ошириш жараёнида МАГАТЭ билан яқиндан ҳамкорлик қилишини таъкидлади.

Ростропович вафот этди

Махшур виолончелчи ва дирижёр Мстислав Леопольдович Ростропович 81 ёшида Москвада вафот этди. Маълумотларга кўра, у охириг пайтларда бир неча марта оғриб, касалхонага ётқизилган. Мстислав Ростропович 1927 йил 27 март кун Бакуда туғилган. Унинг жаҳон маданияти ва санъатига қўшган катта хизматлари бир неча бор эътироф этилиб, қўллаб халқаро мукофотлар билан тақдирланган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЭЪТИБОР ВА РАҚБАТ

меҳнат унвондорлигини оширишнинг муҳим омилidir

Тошкент шаҳар савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касабга уюшмаси кенгаши ўз таркибига 60 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган. У қўллаб масъулияти чекланган жамиятлар, уюсурий ишлаб чиқариш, қўшма ва чет эл корхоналари, шунингдек, бошқа турдаги ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқда.

— Корхона ва ташкилотларда тузилган жамоа шартномалари меҳнатқашлар манфаатларини қонуний йўл билан кафолат-

лашнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касабга уюшмаси кенгаши раиси Зиёдулла Худойбердиев. — Шу боис уларда юқори меҳнат шароитини яратиш, соғлом турмуш тарзини ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофазат қилиш, қўшимча таътилар ташкил этиш ва бошқа йўналишлар орқали иш унвондорлигини ошириш имконияти яратилмоқда. Шунингдек, кам таъминланганлар, кўп болали оилалар, ногирон ва ёлғиз қари-яларга ҳам ғамхўрлик кўрсатиш алоҳида эътиборга олинган. Айниқса, 2007

таъминланган, кўп болали оилага, 35 нафар пенсионер ва 40 нафар ногиронга ҳамда шаҳар Меҳрибонлик уйларида моддий жиҳатдан ҳоимийлик ёрдамлари кўрсатилди. Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида эса боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига совғасаломлар улашилди. Сер-

— Умуман олганда, йил охирига тармоқ ходимлари ва уларнинг оила аъзоларидан 800 нафардан ортигини санаторий-профилакторий, дам олиш уйларида, фарзандларидан эса 1000 нафарини соғломлаштириш оромигоҳларида дам олишини режалаштиришга, — дейди З. Худойбердиев. — Бу, жамоаларда ишга бўлган муносабатнинг янада яхшиланишига, меҳнат унвондорлигининг ошишига хизмат қилса, ажаб эмас. Шундангина биз ҳам ўз олдимизга қўйган мақсадга эришган бўламиз.

Мавсум

«кумуш тола»нинг асосий қисми вилоятда фаолият кўрсатаётган «Навоий Силк» ва «Мадабар Силк» Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхоналарида қайта ишланади.

Бахриддин САДРИДИНОВ.

Бунда қуртлар ипак тўқийди

Навоий вилоятидаги «Пилла» масъулияти чекланган жамияти 12 мингдан зиёд дехон ва фермер хўжаликлари билан сифатли пилла хомашёси етказиб бериш юзасидан шартномалар тузди. Унга кўра, пиллакорларга 368 миллион сўмдан зиёдроқ бўнак пули ажратилди.

Айни кунларда Қизилтепа, Карман ва Навбахор туманларида ипак қурти боқиш ишлари қизгин бошлаб юборилди. Вилоят пиллакорлари бу йилги мавсумда 17 минг 795 қурт уруғидан 830 тоннадан кўпроқ ҳосил етиштиришга аҳд қилишган. Ана шу

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!



РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) худудий филиаллари томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда:

- РКМБ Навоий вилояти филиали томонидан аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда:
  - 1. Навоий вилояти Қизилтепа тумани суд ижрочилири бўлими томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2006 йил 27 июлдаги 21-06-02/3372-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизилтепа тумани, «Маликчўл» ширкат хўжалигида жойлашган, «Маликчўл» ширкат хўжалигига қарашли қуйидаги кўчмас мулклар:
    - маъмурий бино, қурилиш майдони — 378,48 кв.м. Бошланғич баҳоси — 48 507 698 сўм.
    - қоровулхона биноси, қурилиш майдони — 134,72 кв.м. Бошланғич баҳоси — 20 897 203 сўм.
    - омборхона биноси, қурилиш майдони — 288,58 кв.м. Бошланғич баҳоси — 21 885 943 сўм.
    - айвон биноси, қурилиш майдони — 413,6 кв.м. Бошланғич баҳоси — 21 885 943 сўм.
    - омборхона биноси, қурилиш майдони — 141,0 кв.м. Бошланғич баҳоси — 10 211 417 сўм.
    - омборхона биноси, қурилиш майдони — 423,47 кв.м. Бошланғич баҳоси — 30 659 218 сўм.
    - меҳмонхона биноси, қурилиш майдони — 124,80 кв.м. Бошланғич баҳоси — 16 826 383 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йил 14 май кунин соат 10.00 да ўтказилади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк объектлари билан тўғридан тўғридан бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Ушбу кўчмас мулк объектлари бўйича «Дўстлик байроғи» газетасининг 2007 йил 12 апрелдаги 22-сонида хабарнома чоп этилган.

2. Навоий вилояти Қонимех тумани суд ижрочилири бўлими томонидан, Навоий вилояти хўжалик судининг 2007 йил 22 январдаги 21-06-06/5817-сонли ижро варақасига асосан хатланган «Қонимех матлуботчилари» ҳисдорлик жамиятига қарашли, Қонимех шаҳарчаси, Абай кўчасида жойлашган, умумий майдони 862,12 кв.м. бўлган, икки қаватли «Истиқлол» супермаркети биноси. Бошланғич баҳоси — 37 703 076 сўм.

3. Навоий вилояти Учқудук тумани суд ижрочилири бўлими томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2004 йил 13 апрелдаги 21-04-03/283 ва 2006 йил 15 сентябрдаги 21-06-03/5368-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, О.Шаматовга қарашли, Учқудук шаҳри, «Алтинтаў» кўчасида жойлашган «Вавилон» офиси, бар биноси. Бошланғич баҳоси — 32 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йил 28 май кунин соат 10.00 да Навоий вилояти, Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уйда жойлашган (Давлат мулкни бошқариш бошқармаси биноси) савдолар залида ўтказилади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк объектлари билан тегушли суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Ушбу кўчмас мулк объектлари бўйича «Дўстлик байроғи» газетасининг 2007 йил 26 апрелдаги 24-сонида хабарнома чоп этилган.

Ушбу савдоларда катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини хар бир мулк учун алоҳида тартибда тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекабанк» Навоий бўлимидаги МФО 00205, ИНН 200933850, 20210000300571452458 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегушли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: РКМБ Навоий вилояти филиали, Навоий вилояти, Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй. Телефонлар: 770-35-90, 224-64-31, 224-15-61.

II. РКМБ Хоразм вилояти филиали томонидан аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситаси ва кўчмас мулк объекти қўйилмоқда:

1. Хоразм вилояти Хива тумани суд ижрочилири бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг 2006 йил 22 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Хива тумани, «Обводная» кўчаси, «Хива пахта тозалаш» ОАЖда сақланаётган,

1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 22 А1 004 бўлган, «Татра 815С1» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 60 712 652 сўм.

2. Хоразм вилояти Шовот тумани суд ижрочилири бўлими томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 22 январдаги 22-06-03/6897-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шовот тумани, «Гулзор» кўчаси, 15-уйда жойлашган, «Шовот Турон» МЧЖ, «SHOVOTTEKS» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасига қарашли, қурилиш ости ер майдони 5441,6 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич баҳоси — 246 956 000 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йил 24, 31 май ва 7, 14, 21, 28 июнь кунлари соат 11.00 да ушбу автотранспорт воситаси ва кўчмас мулк объекти сотилганга қадар мунтазам равишда ўтказилади. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси ва кўчмас мулк объекти билан туман суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Ушбу автотранспорт воситаси ва кўчмас мулк объекти бўйича «Хоразм ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 28 апрелдаги 34-сонида хабарнома чоп этилган.

Аукцион савдолари Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобоқонов кўчаси 23-уйда жойлашган савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини хар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Хоразм вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекабанк» Тинчлик филиалидаги МФО 00580, ИНН 200933850, 20210000700571452056 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.


Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегушли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: РКМБ Хоразм вилояти филиали, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобоқонов кўчаси, 23-уй (Мулжал — Урганч шаҳар халқ таълими бўлими). Телефон: 226-32-63. Факс: 226-43-64.

Лицензия: ДВ 001 №000004.

# ҚИЗИҚЧИГА ЖИДДИЙЛИК ЯРАШАДИ

Унинг номини кўп эшитгансиз: Худойберди Зиёдов! Ўзбек қизиқчилигига содда ва самимий "Отахон" образини олиб кириб, унинг тилидан гоҳ опера, гоҳ хоккей ўйинларини ажабловур шарҳлайдиган сўз устаси.



— Болалигимда қўшиқ айтишни орзу қилардим, — дейди у. — У пайларда радиотелевидение орқали асосан мумтоз ашулалар эшиттирилди, ўша хонишларнинг таъсири юрагимга кўчганлиги боис, ўзимча хиргойи қилиб юрардим. Шундай орзулар огушида юрган пайтимда бўлиб ўтган бир суҳбат хануз қулогим остида турибди. Қўшни қишлоғимизда яшайдиган бир отахон, мени кўриб шундай деган эди: "Ўғлим, сиз баланд овозда ашула айтаётганингизда, биз тенгилар қўшиғингизни эшитиб, роҳатланамиз. Ҳаракат қилсангиз, сиздан яхшигина ашулачи чиқиши мумкин".

— Ва шундай изланишларингиз республика қизиқчиларининг 1991 йилдаги кўрик-танловидан сизга омад келтирди. — Шундай. Танловда ўзимни синаб кўришни менга рахматли Неймат Аминов маслаҳат берган. У киши бир тадбирда чиқиш қилганимни кўргач, ишонч билдириб, илиқ фикрларни айтибди. Танловда қатнашиш учун пойтахтга келсам, номзодларни қабул қилиб бўлди, энди келгуси йили келасиз, дейишди. Неймат ака эса буни эшитиб, ҳайъат аъзоларига шу йилгит қилиб кетмасин, катта қозонда бир қайнасин, деди. Шундай қилиб, танловда қатнашдим. Фолибларни эълон қиладиган пайт келди. Тўғриси айтсам, учинчи ўриндан умидвор эдим. Йўқ, номини айтишмади. Иккинчи ўрин ҳақида ўйлаганим ҳам йўқ. Шу боис энди залдан чиқиб кетмоқчи бўлиб туривдим, биринчи ўринга самарқандлик Худойберди Зиёдов лойиқ топилди, дейишди. Бир зум додираб қолдим, қулоқларимга ишонмайман. Ҳамма мени табриклаган, кутлаган, ўшандан бери халқ хизматидаман...

## Санъат

— Негадир экран орқали кам кўринасиз. Мухлисларни йўқотиб қўйишдан чўчимайсизми? — Йўқ! Биласизми, ҳақиқий мухлис кўп чикасизми, камми, сиздан юз ўғирмайди. Мухимми, қизиқчи иккундан, изланишдан тўхтаб қолмаслиги керак. Хонанда бир пайлар яратилган қўшигини йиллар ўти тақорла-

ганда ҳам унинг тингловчилари бўлади. Аммо бу қизиқчиликка тўғри келмайди. Кеча айтилган ҳангоми бугун яна тақорласангиз, томошабинга эриш туюлади. Айтмоқчиманки, тинимсиз изланадиган, китобни кўлдан қўймайдиган ижодкор мухлисини йўқотмайди. Умуман, ҳар бир ижодкорнинг савияси даражасида ўз мухлиси бор.

Худойберди Зиёдов телевидение миниатюралар театрида ўзига хос роллар ижро этган. Шунингдек, шоғирдларни — "Хандалак" ҳажвий журнали муаллифлари Ортик Султонов ҳамда Зокир Очиловлар билан ҳамкорликда бир қатор кулгили лавқалар тайёрлаганидан ҳам хабарингиз бор. Айни пайтда унинг кенжа фарзанди Билалбек отасининг ортидан борапти.

Суҳбатимиз мавзуси сўз масъулиятига бориб тақаларкан, қизиқчи шундай деб қолди:

— Ҳар бир сўзни авайлаб ишлатиш керак. Қизиқчиликнинг биринчи шарты — жиддийлик эканлигини ўғлимга ҳам кўп уқтираман. Ҳаётни кузатган, таҳлил қилган одам халқнинг олдига чиқиб олиб, ҳуда-бехуда гапларни айтмайди. Зўрма-зўраки кулиш ва қулдириш бақнаналиқдан бошқа нарса эмас. Шунини унутмайлик!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ суҳбатлашди.

## Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Бугун Самарқандда спортнинг "Универсал жанг" тури бўйича катталар ўртасида навбатдаги Осиё очиқ чемпионати бошланади.

### Самарқандда Осиё чемпионати

Шарқ яққа курашларининг деярли барчасини қамраб олган "Универсал жанг" дунёда жадаллик билан оммалашиб бормоқда. Бугунги кунда 32 давлатда ушбу спорт тури бўйича федерациялар очилган.

Кўни кеча пойтахтимиздаги Олимпия шон-шўхрати музейида чемпионат олдидан матбуот анжумани уюштирилди. Унда маълум қилинишича, 29 апрелгача давом этадиган мусобақада Япония, Жанубий Корея, Хитой, Индонезия, Мўғулистон, Эрон, Туркменистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия каби ўндан ортиқ мамлакат вакиллари бош соврин учун кураш олиб боради.

### «Сўғдиёна» — пешқадам

Футбол бўйича мамлакат чемпионати биринчи лигасида еттинчи тур учрашувлари якунланди.

Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси мавсумда ўзининг чиройли ўйинлари билан мухлисларини хушнуд этмоқда. Бу сафар улар пойтахт вакили «Шайхонтоҳур» жамоасини 7:1 ҳисобида мағлубиятга урлатишди.

Еттинчи турдан сўнг чемпионатда «Сўғдиёна» жамоаси 17 очко билан пешқадамлик қилмоқда. «Галлакор» ва «Кимёгар» жамоалари 14 тадан очко билан иккинчи ва учинчи ўринларда боришмоқда.

### УЕФА кубоги КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

Европа чемпионлар лигасидан сўнг нуфузи жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи УЕФА кубоғида ҳам дастлабки ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди.

Германиянинг "Вердер" жамоаси сафарда "Эспаньол"га йирик — 0:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Иккинчи ярим финал учрашувида ўтган йилги УЕФА кубоғи соҳиби "Севиля" жамоаси "Осасуна"га 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Ярим финал ҳаво учрашувлари 30 май кўни бўлиб ўтади.

З. ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

## Ободонлаштириш



# Кўркамликда тенги йўқ

Тошкент кўчалари кун сайин таниб бўлмас даражада ўзгариб, ўзгача қиёфа касб этаёпти. Бу шаҳарда қурилиш ва ободонлаштириш соҳаларида олиб борилаётган кенг қўламли ва кенг миқёсли бунёдкорлик ишлари, қурувчилар ва ободонлаштириш бошқармаси мутахассислари фидокорона меҳнатининг самарасидир, албатта.

— Шу кунгача шаҳримиздаги Муस्ताқиллик майдони, Шаҳидлар хотираси, Миллий боғ, Амир Темури хиббони сингари умумий ҳудуди 230 гектардан ортиқ 18 та майдонни тўлалигича майсазорлаштиришга эришдик, — дейди биз билан суҳбатда бошлиғи Тоҳир Бувамухамедов. — Бунинг учун 30 дан ортиқ техника, 600 нафарга яқин илчи-хизматчилар жалб этилди. Натижада ушбу майдонлар фақатгина майсазорлаштирилиб қолмай, уларнинг атрофига 400 минг

тўпдан зиёд ранго-ранг гул кўчатлари ҳам ўтқазилди. Бундан ташқари, қўшимча равишда 7830 тўп арча ва 5800 тўп бута кўчати экилди. Айни пайтда улар ям-яшил тусга кириб, шаҳримиз ҳуснига-ҳусн бағишлаб турибди.

Ободонлаштириш — мавсум билмайдиган иш. Шунинг учун бошқарма томонидан ҳар бир фаслага хос дастурий режа ишлаб чиқилган. Бу, ўз навбатида, кутилганидан зиёд самара бераёпти. Демак, бундан бўён ҳам пойтахтимиз ҳуснига-ҳусн қўшилади, янада чирой очиб, кўркамлашади.

Усмон УСМОНОВ.



СУРАТЛАРДА: марказий майдонлари ободонлаштириш бошқармаси илчи-хизматчилари фаолиятдан лавқалар.

Муаллиф олган суратлар.



## РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ «ГАЛЛАБАНК»

Муस्ताқил юртимиз фуқаролари ва меҳмонларига «KAMALAK», «NAVBAHON», «SHODLIK» ҳамда «SEVINCH» деб номланган қисқа муддатли омонат турларидан фойдаланишни тақдир қилади. Мазкур омонатларга маблағлар жорий йилнинг 15 апрель — 15 июнь кунлари 4, 3, 2 ҳамда 6 ой муддатларга қабул қилинади ва йиллик 18,0 фоиздан 22,0 фоизгача устама тўланади.

Шу билан бирга, доимий равишда амалда бўлган қуйидаги омонат турларига ҳам маблағлар қабул қилинаётганлигини маълум қиламиз:

| №/р | Омонат (депозит) номлари | Депозит тури        | Муддати             | Йиллик фоизи | Бошланғич бадал (сўмда) | Асосий шартлар  |
|-----|--------------------------|---------------------|---------------------|--------------|-------------------------|---|
| 1.  | «KAMALAK»                | муддатли            | 4 ой                | 18.0         | 100 000                 | Маблаг 2007 йил 15 апрелдан 2007 йил 15 июнгача (15 июнь кўни кирган ҳолда) қабул қилиниб, йиллик 18% миқдоридан устама ҳисобланади. Омонат учун устама фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.  |
| 2.  | «NAVBAHON»               | муддатли            | 3 ой                | 20.0         | 100 000                 | Маблаг 2007 йил 15 апрелдан 2007 йил 15 июнгача (15 июнь кўни кирган ҳолда) қабул қилиниб, йиллик 20% миқдоридан устама ҳисобланади. Омонат учун устама фоизлар омонатнинг муддати тугагандан сўнг тўлаб борилади.  |
| 3.  | «SHODLIK»                | муддатли            | 2 ой                | 22.0         | 200 000                 | Маблаг 2007 йил 15 апрелдан 2007 йил 15 июнгача (15 июнь кўни кирган ҳолда) қабул қилиниб, йиллик 22% миқдоридан устама ҳисобланади. Омонат учун устама фоизлар омонатнинг муддати тугагандан сўнг тўлаб борилади.  |
| 4.  | «SEVINCH»                | муддатли            | 6 ой                | 22.0         | 200 000                 | Маблаг 2007 йил 15 апрелдан 2007 йил 15 июнгача (15 июнь кўни кирган ҳолда) қабул қилиниб, йиллик 22% миқдоридан устама ҳисобланади. Омонат учун устама фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.  |
| 5.  | Талаб қилиб олгунча      | Талаб қилиб олгунча | муддатсиз           | 2.4          | 100                     | Талаб қилиб олгунча сақланади, хоҳлаган муддатда қўйилади ва олинади.   |
| 6.  | Пластик қарточка         | Талаб қилиб олгунча | муддатсиз           |              | 1000                    | Талаб қилиб олгунча сақланади, хоҳлаган муддатда қўйилади ва олинади, омонатга фоизлар кўнлик ҳисобланиб, ой охирида капитализация қилинади, агар омонат қолдиги 10 000 сўмдан кам қолса, шу кун учун фоиз ҳисобланмайди.   |
| 7.  | «Саломатлик»             | муддатли            | 11 ой               | 16.6         | 10 000                  | Ойига 1,4% устама ҳисобланади ва фақат савҳатга чиқиш ҳамда саломатлигини тиклаш учун сарфланади.   |
| 8.  | «Нафақа-мададор»         | муддатли            | 1 йил               | 15.1         | 10 000                  | Омонат фақат нафақажўрларга очилади ва ҳар ойда 1,3% устама тўланади.   |
| 9.  | «Ishonch»                | муддатли            | 3 ой — 3 йил        | 15,1-17,1    | 10 000 — 5 000 000      | Маблаг 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ҳамда тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 15,1% дан 17,1% гача устама тўланади.  |
| 10. | «Luk»                    | муддатли            | 3 ой — 3 йил        | 15,6-17,6    | 5 000 000 — 10 000 000  | Маблаг 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ҳамда тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 15,6% дан 17,6% гача устама тўланади.  |
| 11. | «Kafolat»                | муддатли            | 3 ой — 3 йил        | 16,1-18,0    | 10 000 000 дан юқори    | Маблаг 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ҳамда тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 16,1% дан 18,0% гача устама тўлашга келишилади.  |
| 12. | «Sarmoya»                | муддатли            | 1 ой                | 18.0         | 100 000                 | Маблаг 2006 йил 15 ноябрдан 2007 йил 15 майгача қабул қилиниб, йиллик 18% миқдоридан устама ҳисобланади.  |
| 13. | «Sovg'a»                 | муддатли            | 3 ой                | 18.0         | 500 000                 | Маблаг 2006 йил 15 ноябрдан 2007 йил 15 майгача қабул қилиниб, йиллик 18% миқдоридан устама ҳисобланади. Омонат учун устама фоизлар олдидан тўлаб борилади.   |
| 14. | «Mehr»                   | муддатли            | 6 ой                | 18.0         | 100 000                 | Маблаг 2006 йил 15 ноябрдан 2007 йил 15 майгача қабул қилиниб, йиллик 18% миқдоридан устама ҳисобланади. Хисобланган устама фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.  |
| 15. | «Nur»                    | муддатли            | 1 ой                | 22.0         | 100 000                 | Маблаг 2007 йил 15 мартдан 30 апрелгача қабул қилиниб, йиллик 22% миқдоридан устама ҳисобланади.  |
| 16. | «Меҳригиё»               | жамғармали          | 18 ёшгача           | 14.0         | 10 000                  | Йилига 14,0%дан ҳисоблаб, капитализациясиз 18 ёшга тўлганда берилади, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади.   |
| 17. | «Kelajak»                | жамғармали          | 16 ёшгача           |              | 10 000                  | Қўшимча фоиз омонат банки томонидан қабул қилинган кунда амалда бўлган МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдоридан бир йилда бир марта молия йили якунида тўланади ҳамда омонат суммасига қўшимча маблаг қўйилиши мумкин. Омонат суммаси 16 ёшгача сақланади.       |
| 18. | «Коммунал омонати»       | муддатли            | 3 ой ва ундан юқори | 18.0         | 100 000                 | Аҳоли уй-жой, коммунал тўлов хизматлари ва электр тўловларини қабул қилишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида жорий этилган. Йилига 18,0% миқдоридан устама тўланади, коммунал тўловлар омонатчи иштирокида, фоизлар ҳисобидан, банк томонидан тўлаб борилади. |

Банкда сақланаётган омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

«Галлабанк» хонадонингизга барака келтирсин.

## Халқ сўзи Народное слово

### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 35442 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида териял ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Г — Тижорат материалли

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — М. Холматова. Навбатчи — О. Файзиёв. Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00. Тошйирлиди — 22.10. 2 3 4 5 6